

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

РАИМОВА ГУЛИ МАДМУРОДОВНА

***TRIFOLIUM PRATENSE* L. (СЕБАРГА) ДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН
ЭКСТРАКТНИНГ ФИЗИК–КИМЁВИЙ ВА АНТИКОАГУЛЯНТ
ХОССАЛАРИ ВА УНДАН РОДЕНТИЦИД СИФАТИДА
ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.02 –Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Раимова Гули Мадмуродовна

Trifolium pratense L. (себарга)дан ажратиб олинган экстрактнинг физик–кимёвий ва антикоагулянт хоссалари ва ундан родентицид сифатида фойдаланиш..... 3

Раимова Гули Мадмуродовна

Физико–химические и антикоагулянтные свойства экстракта, выделенного из *Trifolium pratense* L. (клевер луговой), и применение его в качестве родентицида..... 21

Raimova Guli Madmurodovna

Physico-chemical and anticoagulant properties of the *Trifolium pratense* L. (meadow clover) extracts and their application as rodenticide..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

РАИМОВА ГУЛИ МАДМУРОДОВНА

***TRIFOLIUM PRATENSE* L. (СЕБАРГА) ДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН
ЭКСТРАКТНИНГ ФИЗИК–КИМЁВИЙ ВА АНТИКОАГУЛЯНТ
ХОССАЛАРИ ВА УНДАН РОДЕНТИЦИД СИФАТИДА
Фойдаланиш**

03.00.02 –Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/B99 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ibb-nuu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Насиров Кабил Эркинович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мерзляк Петр Григорьевич
биология фанлари доктори

Левицкая Юлия Владимировна
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги DSc.29.12.2018.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174-уй (Ўзбекистон Миллий университети, Кимё факультети биноси 4- қавати) Тел.: (99871) 246–68–96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96, e–mail: ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Сабилов Равшан Заирович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Асраров Музаффар Исламович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ахмеджанов Искандар Гулямович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё бўйича зараркунанда кемирувчилар қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказиши билан бирга омборларда сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолга яроқсиз ҳолатга келтириши орқали иқтисодиётга катта зарар келтирмоқда. Жумладан, зараркунанда кемирувчилар одам ва ҳайвонлар учун хавфли ҳисобланган юқумли ва инвазион касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли чорвачилик фермалари ва дон сақлаш омборларини зараркунанда кемирувчилардан ҳимоя қилиш мақсадида янги самарали родентицид препаратини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда зарарли кемирувчиларга қарши курашишнинг кимёвий усуллари яратилган бўлиб, улардан таркибида билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтлар бўлган родентицидларнинг афзаллиги аниқланган. Ушбу родентицидлар бошқа кимёвий бирикмалардан кемирувчилар учун танаб таъсир қилиши, заҳарлилик даражаси маълум муддатдан кейин таъсир этиши, шартли-мудофаа реакцияларининг йўқлиги, уларга антидотнинг мавжудлиги ҳамда одам ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун хавфлилик даражасининг паст эканлиги исботланган. Шунга қарамадан, сўнгги йилларда ўтказилган амалий тадқиқотларда, зарарли кемирувчиларга қарши курашишда бир хил кимёвий препаратлардан фойдаланилганда, кемирувчиларнинг сони ўзгармаётганлиги, бундан ташқари бир нечта авлоддан кейин кемирувчиларда уларга қарши иммунитет ҳосил бўлиши ва вақт ўтиши билан ўз самарасини йўқотиши аниқланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, зарарли кемирувчиларга қарши курашда янада самарали, одам ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун хавфсиз бўлган родентицид препаратлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллий хомашёдан ажратилган ва синтезланган бирикмаларнинг физик-кимёвий ва токсикологик хоссаларини аниқлаш ва уларни синантроп кемирувчиларни йўқотиш учун самарали родентицидлар сифатида қўллаш борасида илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида¹ «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш...» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида родентицид препаратини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3026–сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 июлдаги 564-сон «Ветеринария дори воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёдаги кўплаб илмий текшириш марказларида бир қатор олимлар томонидан кумаринлар кимёсини ўрганиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Шу жумладан, Kasperkiewicz ва бошқ., (2016)¹ томонидан кумаринларнинг спазмолитик, юрак қон томирини кенгайтирувчи, антикоагулянт ва бошқа хоссаларга эга эканлиги тадқиқ қилинган.

Mingarro–de–Leon and Chaveli–Lopez (2013) олимлари томонидан кумаринлар 37 оилага мансуб 200 дан ортиқ ўсимлик турларида аниқланган бўлиб, сельдерейлар, рутасимонлар, дуккакдошлар оилаларида энг кўп кенг тарқалганлиги ёритилган. Дуккакдошлар оиласига мансуб себарганинг турларидан ажратиб олинган 4-идроксикумаринлар таркибида қон ивишига қарши таъсир кўрсатувчи бирикмалар борлиги аниқланган. Уларнинг таркибида қорамолларда касаллик туғдирувчи дикумарол аниқланган. Srikrishna ва бошқ. (2018)² томонидан ушбу кумаринлар қон ивишига бевосита таъсир кўрсатмаслиги, балки қон ивиш омилларининг синтезланиши учун зарур бўлган витамин К га антагонизм орқали, қоннинг ивиш оксиллари, жумладан проконвертин, протромбин, антигемофил глобулин В (Кристинмас омили) ва Стюарт–Прауэр омилининг биосинтезини бузиши асосида жигар орқали таъсир кўрсатиши аниқланган.

МДХ мамлакатлари олимлари Клементьева С.А. (2015), Zhou ва бошқ. (2009) томонидан кумарин ҳосилалари зараркунанда кемирувчиларни йўқотиш учун родентицидлар сифатида кенг қўлланилиши ва шу билан янги самарали антикоагулянтларни излаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Мамлакатимиз олимлар томонидан маҳаллий себарга ўсимлигининг билвосита антикоагулянт хоссалари аниқланмаган бўлиб, ушбу ўсимликнинг физик-кимёвий, антикоагулянт ва токсикологик хоссаларини тадқиқ қилиш унинг асосида зараркунанда кемирувчиларга қарши курашиш учун родентицид препаратлар рецептурасини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланиб илмий-амалий аҳамиятга эга.

¹Kasperkiewicz K., Małeczka M., Ponczek M.B., Nowak P., Budzisz E. Design, synthesis, X-ray structures of the new coumarin derivatives and perspectives of binding them to albumin and vitamin k epoxide reductase complex subunit // *Cryst. Growth Des.* – 2016. – V.16(1). – P.456–466.

²Srikrishna D., Godugu C., Dubey P.K. A Review on pharmacological properties of coumarins // *Mini Rev. Med. Chem.* – 2018. – V.18(2). – P.113–141.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти ҳамда Биофизика ва биокимё институтларининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА–А9–Т049 «Антикоагулянтлар ёрдамида синантроп кемирувчиларга қарши самарали курашиш усулларини яратиш» (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Trifolium pratense* L. (себарга) ўсимлигидан ажратиб олинган экстрактнинг физик-кимёвий, антикоагулянт хоссаларини аниқлаш ва унинг асосида родентицид препарат рецептурасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Trifolium pratense L. (себарга) дан ажратиб олинган экстрактнинг физик-кимёвий, токсикологик ва антикоагулянт хоссаларини терпеноид кумаринлар-фешурин, невескин, самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар аралашмасининг структуравий хоссалари билан солиштириш;

in vivo шароитида экзоген тромбопластинемияда антикоагулянт хоссасига эга экстрактни тромб ҳосил бўлишини юзага келтирувчи омилларга таъсирини аниқлаш, экстрактнинг токсиклиги ва антикоагулянт фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни ҳамда унинг родентицидлик хоссаларини аниқлаш;

экстрактнинг родентицид фаоллигини кучайтириш мақсадида антикоагулянтлар орасидан синергистларни излаш, олинган натижалар асосида (антикоагулянт+синергист) комплекс бирикмаларни ишлаб чиқиш;

шунингдек, ишлаб чиқилган комплекс бирикмалар асосида ишлаб чиқилган хўрақларнинг родентицид фаоллигини амалиётда синовлардан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида себарганинг (*Trifolium pratense* L.) моғорлаган экстракти, солиштирма тадқиқотлар учун Ўсимлик моддалари кимёси институтининг «Кумаринлар ва терпеноидлар» лабораториясида ажратиб олинган терпенод кумаринлар – фешурин, невескин, самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар аралашмаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети айрим биологик фаол моддаларнинг физик-кимёвий, токсикологик ва антикоагулянт хоссаларини аниқлаш ва улар асосида зараркунанда кемирувчиларга қарши курашиш учун родентицид препаратлар рецептурасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажариш давомида моғорлаган себарга экстрактини ажратиб олиш кимёвий услублар, биологик фаол моддаларнинг *in vitro* ва *in vivo* шароитларида физик-кимёвий, токсикологик ва антикоагулянт хоссаларини тадқиқ қилиш услублари, экзоген тромбопластинемия чақирилган шароитлардаги модель тажрибалар, тромболитик фаолликни аниқлаш, қон кетиш вақти ва қон йўқотиш кўрсаткичини аниқлаш тестлари, гемостаз тизимида $[Ca^{2+}]_{in}$ динамикасини қиёсий таҳлил қилиш учун тромбоцитларни ажратиш услуби, тромбоцитлар

агрегацияси ва уларнинг функционал фаоллигини аниқлаш ва спектрофотометрик услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий *Trifolium pratense* L. (себарга) ўсимлигидан кумаринлар каби тромболитик таъсирга эга бўлган экстракт ажратиб олинган ва таркибида дикумарол мавжудлиги аниқланган;

экстрактнинг *in vivo* шароитида экзоген тромбопластинемияда тромб ҳосил бўлишига билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтлар сингари таъсир кўрсатиши исботланган;

экстрактнинг БД-31 синергистлари билан комплекс ҳолда зараркунанда кемирувчиларга кумулятив ва танлаб токсик таъсир кўрсатиши, ундан янги родентицид воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

фешурин, невескин, самаркандин, бодиун терпеноид кумаринлари, сесквитерпенлар аралашмаси ва моғорлаган себарга экстракти билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянт хоссасига эгаллиги аниқланган ва антикоагулянт сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

моғорлаган себарга экстракти, терпеноид кумаринлар - фешурин, невескин, самаркандин, бодиун, сесквитерпенлар аралашмасининг антикоагулянт ва токсикологик хоссаларига эга эканлиги аниқланган;

моғорлаган себарга экстракти таркибидаги кумаринларнинг маълум замбуруғлар (*Acremonium Zink*, *Scopulariopsis Bainier* и *Graphium Corda*) ёрдамида дикумаринга айланиши исботланган;

моғорлаган себарга экстракти ва терпеноид кумаринлар- фешурин, невескин, самаркандин, бодиун, сесквитерпенлар аралашмасининг антикоагулянт хоссалари асосида родентицид препарати рецептураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий биофизикавий-биокимёвий услублар ва қурилмалардан, дастурий таъминотлардан фойдаланиш асосида бажарилганлиги билан тасдиқланади. Ҳар бир тадқиқот энг камида 4-6 марта такрорлаш орқали амалга оширилган. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Origin Pro 7.5 (Origin Lab Corporation, АҚШ) компьютер дастурида ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилик интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, МСЭ ҳамда фешурин, невескин, самаркандин, бодиун терпеноид кумаринлари ва сесквитерпенлар аралашмасининг физик-кимёвий, антикоагулянт ва токсикологик хоссаларини тадқиқ қилиш натижасида уларнинг билвосита антикоагулянт хоссаларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МСЭ ҳамда терпеноид кумаринлари- фешурин, невескин, самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар

аралашмасининг антикоагулянт хоссаларидан ветеринария ва санитария-эпидемиология хизматларида чорвачилик фермалари ва дон сақлаш омборларини синантроп кемирувчилардан ҳимоя қилишда ҳавфсиз родентицид препаратлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Моғорлаган себарга экстрактининг антикоагулянт хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

моғорлаган себарга экстрактининг коагуляцион ва тромбоцитар гемостазни ингибирлаш хусусиятлари ФА-А11-Т040 рақамли «*Pulicaria gnaphalodes* ўсимлиги компонентларидан антиоксидант «Пуликарон» дори воситасини яратиш» мавзусидаги лойиҳада сальвифолин ва пуликарон флаваноидини антикоагулянт хоссасини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 11 июндаги 4/1255-1809-сон маълумотномаси). Натижада дитерпен, кумарин ва флаваноидларнинг билвосита антикоагулянт хоссасини тавсифлаш имконини берган;

себарга экстрактининг антикоагулянт хоссаларидан Хитой Фанлар академияси Шинжон Физика ва кимё техника институтининг мақсадли илмий тадқиқотида кумаринларнинг фармакологик хоссаларини тавсифлашда фойдаланилган (Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry of CASнинг 2019 йил 15 мартдаги маълумотномаси). Натижада янги кумарин бирикмалари ёрдамида гемостаз тизимини бошқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антикоагулянтлар классификацияси ва таъсир механизми**» деб номланган биринчи бобида антикоагулянт родентицидлар, бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтларнинг таъсир механизмлари, антикоагулянтлар – кумарин ва индандион ҳосилалари, терпенли кумаринларнинг физиологик роли, каламушларнинг антикоагулянтларга чидамлилиги ва синергистлар – родентицидларнинг таъсирини кучайтирувчи кимёвий моддалар, синергистларнинг таъсир механизми ҳақидаги адабиётлар шарҳи келтирилган, ҳамда ушбу шарҳда гемостазнинг асосий биокимёвий механизмлари ва гемостаз бузилишини аниқлашнинг умумий услубияти батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «***Trifolium pratense* L. (себарга)дан ажратиб олинган экстрактнинг физик-кимёвий, токсикологик ва антикоагулянт хоссаларини аниқлаш услублари**» деб номланган иккинчи бобида, фойдаланилган объектлар, материаллар ва услублар келтирилган.

Тадқиқотларда моғорлаган себаргадан экстракт ажратиб олиш, каламушларнинг тадқиқ қилинаётган антикоагулянтларга нисбатан бошланғич сезгирлик даражасини асослаш бўйича ўткир ва сурункали захарлиликни аниқлаш услуби, экзоген тромбопластинемия чақирилган модель тажрибалар, тромболитик фаолликни аниқлаш, қон кетиш вақти ва қон йўқотиш кўрсаткичини аниқлаш тестлари, препаратларнинг тромб ҳосил бўлишига таъсирини аниқлаш учун коагуляцион тадқиқот услублари, уларнинг таъсирини баҳолашда маълум бўлган гемостаз тестлари, тромбоцитларнинг функционал фаоллигини тадқиқ қилиш услублари, хроматографик ва спектрофотометрик таҳлиллар, шунингдек олинган натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш услубларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «***Trifolium pratense* L. (себарга)дан ажратиб олинган экстрактнинг физик-кимёвий ва антикоагулянт хоссалари**» деб номланган учинчи бобида моғорлаган *Trifolium pratense* L. (себарга)дан экстракт ажратиб олиш ва унинг физик-кимёвий хоссаларини ҳамда токсикологик ва антикоагулянт хоссаларини терпенли кумаринлар- фешурин, невескин, самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар аралашмаси билан солиштирган ҳолда аниқлаш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Дастлабки тадқиқотларда аниқланишича, лаборатория ҳайвонлари (қуёнлар)ни бижғитилган, моғорлаган *Trifolium pratense* L. (себарга) экстракти билан озиклантирганда 7-8 суткадан кейин улардан кучли қон кетиши ва нобуд бўлиши кузатилади, бу эса *Trifolium pratense* L. (себарга)дан экстракт ажратиб олиш ва уни қон ивиш тизимига ва токсикологик хоссасини тадқиқ қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Моғорлаган себарга экстрактини олиш учун *Trifolium pratense* L. ўсимлигининг ер устки қисмини герметик махсус пакетда қоронғу жойда барглари моғор билан қоплангунга қадар сақладик. Сўнгра себарга барглари (200 г) 5 мм заррачаларга майдаладик ва 1:100 нисбатдаги ашё ва

экстрагентда экстракцияладик. Дикумаринни 60⁰ ҳароратда 96%ли этил спиртидан фойдаланиб экстракцияладик. Дикумаринлар суммасини ёт моддалардан тозалаш учун экстрагентни ҳайдашдан кейин олинган қуюқ экстрактни хлороформ билан қайта ишладик ва дикумаринлар аралашмасини ажратиб олдик. Экстрактни концентрациялаб ва қуритганимиздан сўнг кристалл ҳолатдаги моддани олдик. Бунда олинган модданинг миқдори моғорлаган себарганинг бошланғич массасининг 0,16% (320 мг) ташкил қилди. Моғорлаган себаргадан ажратиб олинган экстрактни биз моғорлаган себарга экстракти (МСЭ) деб номладик.


Токсикологик тадқиқотларда интоксикацияда юзага чиққан умумий белгилар орасида, худди дикумаринлар таъсирида бўлганидек, аъзо ва тўқималарнинг қон билан таъминланишини бузилиши, тромбогеморрагик синдромлар (терининг шиллиқ қаватига қон қуйилиши, қон кетиши) олдинги ўринни эгаллаши аниқланди.

МСЭ таркибида кумариннинг дикумаролга айланишидаги ферментатив жараёнларда иштирок этадиган моғор замбуруғлари борлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида Микробиология институти ходимлари (Сайдиева Ф. Х. ва Бахтиярова М.Х.) билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бордик.


Микробиологик тадқиқотларда моғорлаган себарганинг суяқ экстракти таркибида бижғиш жараёнида кумариннинг дикумаролга иштирок этадиган микроорганизмларнинг камида учта тури борлиги аниқланди: *Acremonium Zink*, *Scopulariopsis Bainier* ва *Graphium Corda*.

Экстракт (кумаринлар аралашмаси)нинг флуоресцент таҳлили кўрсатишича, бром эритмаси билан тўйинган ишқорий муҳитда улар асосида қўзғалиш (380 нм) ва эмиссия (480 нм)нинг бир хил бўлган максимумларини идентификациялаш имконини берган.

Экстрактнинг концентрацияга боғлиқ равишда флуоресценциянинг аниқланган спектрлари уларнинг интенсивлигини концентрацияга чизиқли боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бу эса мазкур экстракт таркибида дикумаринлар миқдорини баҳолаш имконини берди (1–расм).



1-расм. Флуоресценция интенсивлигининг МСЭ концентрациясига кўра кўрсаткичлари



2-расм. Моғорлаган себарга қуюқ экстрактининг хроматограммаси

Хамкорликда олиб борилган тадқиқотларда (Биоорганик кимё институти «Оқсиллар ва пептидлар кимёси» лабораторияси ходими Ж.Зиявитдинов билан) ЮССХ методи ёрдамида ушлаб туриш вақти стандарт дикумарол каби билан бир хил бўлган – 15,22 мин. компонент мавжудлиги аниқланди (2–расм).


Куюқ экстрактдаги дикумарол миқдорини стандарт намуна (“Sigma Aldrich», Германия) ва синалаётган намуналар хроматограммасидаги чўккилар майдонини солиштирган ҳолда ҳисобладик. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида куюқ экстракт (4,7 г) таркибидаги дикумарол миқдори 0,64% (30 мг), кристалл фракцияда эса (320 мг) хлороформ ёрдамида аниқланган дикумаринлар суммаси 6,5% (20,8 мг) ни ташкил қилиши аниқланди.

МСЭ ни токсикологик, антикоагулянт ва физик-кимёвий хоссаларини маълум бўлган кумаринларнинг хоссалари билан солиштириш учун терпенли кумаринлар – фешурин, невескин, самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар аралашмасининг токсикологик ва антикоагулянт хоссалари тадқиқ қилинди.

Терпенли кумаринларнинг токсиклиги аниқланганида моддалар сичқонларга оғиз орқали юборилганида ЛД₅₀ самаркандин, бодиун ва сесквитерпенлар аралашмаси учун 3 кун давомида ≥ 500 мг/кг, фешурин, невескин учун 7 кун давомида ≥ 700 мг/кг ни ташкил қилганлиги аниқланди. Нобуд бўлган ва тирик қолган ҳайвонларнинг ичи ёриб кўрилди. Бунда ичи ёрилган ҳайвонларнинг ўпка, қорин плеврал бўшлиғига нуқтали характердаги қон қуйилиши аниқланди. Аъзоларнинг қон томирлари ва капиллярларида анча яққол ифодаланди.

Дастлабки *in vitro* шароитида каламуш қони плазмасида олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, аниқланган терпенли кумаринлар орасида самаркандин, бодиун, сесквитерпенлар аралашмаси дозага боғлиқ равишда тромбин вақтини турли даражада узайтирди, невескин ва фешурин тромбин вақтига деярли таъсир қилмади (3А–расм). Бунда бодиун, самаркандин ва сесквитерпенлар аралашмаси 5-100 мг/мл концентрацияларда дозага боғлиқ ҳолда тромбин вақтини назоратга нисбатан узайтирди. Бунда фибрин лахтасини ҳосил бўлиши сустлашди, бу эса IXa, Xa, XIIa омилларидан бирининг ёки антитромбин III нинг фаоллигини пасайишидан далолат бериши мумкин (3Б–расм).

Навбатдаги тажрибаларда терпенли кумаринларни *in vivo* да қон ивиш параметрларига таъсирини аниқладик. Дастлаб ўрганилаётган бирикмаларни лаборатория каламушларига бир мартаба 100-1000 мг/кг дозада оғиз орқали юбордик. Уч кун ўтгач, ушбу каламушлардан қон ивиш параметрларининг коагуляцион фаоллигини ўрганилаётган кумаринлар фонида аниқлаш учун қон олдик. Каламуш қони плазмасида *in vivo* да ўтказилган тажрибаларда терпенли кумаринлар – бодиун, невескин, фешурин, самаркандин ва сесквитерпенлар аралашмаси антикоагулянт хоссасини турли даражада намоён қилди.



3-расм. А. Кумаринларнинг (100 мг/мл) тромбин вақтига таъсири. Ордината ўқида – тромбин вақти (сек) ифодаланган. **Б. Кумаринларнинг тромбин вақтига дозага боғлиқ таъсири.** Ордината ўқида – тромбин вақти (сек) ифодаланган; Абсцисса ўқида – кумаринлар концентрацияси (мг/мл) ифодаланган. * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=4-6$).


Каламуш қони плазмасида *in vivo* да ўтказилган тажрибаларда терпенли кумаринлар – бодиун, невескин, фешурин, самаркандин ва сесквитерпенлар аралашмаси антикоагулянт хоссасини турли даражада намоён қилди. Хусусан, терпенли кумаринлар – фешурин ва невескин тромбин вақтини энг кўп узайтирди (4-расм).

Терпенли кумаринларни плазма рекальцификацияланишининг фаоллашган вақтига (ПРФВ) ва протромбин вақтига (ПТВ) га таъсири аниқланилганда ушбу препаратлар ичида энг фаоли терпенли кумаринлар – невескин ва фешурин эканлиги аниқланди. Улар 10 мг/мл концентрацияда қон ивиш вақтини анча узайтирди.

Терпенли кумаринлар – невескин, фешурин таъсирида ПРФВ ни ҳам узайиши III омил ва ивишнинг бошқа плазма омилларини (VII ва XIII омиллардан ташқари) ингибирланишига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Варфарин, фешурин, невескин фонида ПТВни узайганлигидан келиб чиқиб фибрин ҳосил бўлишини фаоллаштирувчи омилларнинг билвосита таъсир қилувчи асосида ингибирланиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Навбатдаги тажрибаларда терпенли кумаринлар – фешурин, невескин ва варфарин препаратини қон ивиш жараёнига, ва қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ) тестларига таъсири аниқланди. Бу тажрибаларда терпенли кумаринлар – фешурин, невескин варфарин препаратининг назоратга караганда бирозгина ингибирловчи таъсирга эгаллиги аниқланди, бу эса ушбу терпенли кумаринларнинг XII, XI, IX, VIII омилларнинг фаоллигига таъсир кўрсатмаслигидан далолат беради.



4-расм. Препаратларнинг тромбин вақтига *in vivo* да таъсири. * – назоратга нисбатан $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=4-6$).

Ушбу тадқиқотларда тузилиши варфарин препаратига ўхшаш бўлган невескин, фешурин терпенли кумаринлари қон ивиш тизимига кўрсатадиган физиологик таъсири бўйича яқин эканлиги аниқланди.

Эҳтимол, кумаринлар – невескин, фешурин XII, XI, IX, VIII омиллардан бирининг фаоллигини сусайтириб, қон ивишининг ички йўлининг омилларига таъсир қилади. Бодиун ва самаркандин, IXa, Xa, XIIa омиллардан бири ва антитромбин III фаоллигини сусайтириб, фибрин лаҳтасини ҳосил бўлишини сустлашишига олиб келган бўлиши мумкин.

Навбатда терпенли кумаринларнинг экзоген тромбопластинемия шароитида, плазма ва тромбоцитар гемостазга таъсирини аниқлаш мақсадида, уларнинг тромбозластографик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бордик.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўрганилган терпенли кумаринлар орасида тромбопластинемияга энг кўп ижобий таъсирни самараси бўйича варфарин препаратиникига яқин бўлган невескин ва фешурин қўлланилганида кузатилди.

Эҳтимол, структураси варфарин препарати структурасига яқин бўлган фешурин ва невескин кумаринлари XII, XI, IX, VIII омиллардан бирининг фаоллигини ингибирлаб, қон ивишининг ички йўли омилларига таъсир қилиши мумкин.


Ушбу тажрибаларда параллел равишда терпенли кумаринлар билан солиштирган ҳолда МСЭ нинг антикоагулянт ва токсикологик хоссалари аниқланди.

Қон плазмасида ўтказилган тажрибалардан (*in vitro*) маълум бўлишича, МСЭ тромбин вақтини аниқлаш тестида дозага боғлиқ ҳолда (5-100 мг/мл) антикоагулянт фаолликни намоён қилади (5A–расм). Олинган натижалар таҳлили МСЭ фибриноген фаоллигига таъсир кўрсатмаслиги, балки асосан қон ивишининг бошқа омилларига таъсир қилишини кўрсатди.

Навбатдаги тажрибада МСЭни плазма рекальцификацияланишининг фаоллашган вақтига (ПРФВ) таъсирини аниқладик.

МСЭ таъсирида плазма ивишининг рекальцификация вақти дозага қараб узайди. МСЭ таъсирида вақтнинг узайиши гипокоагуляцияга бўлган тенденцияни кўрсатади, ва бунинг сабаби III омил ва қон ивишининг бошқа плазма омилларининг кўпчилигини (VII ва XIII омиллардан ташқари) ингибирланиши бўлиши мумкин. Агар кальций ионлари қон ивишининг ҳам ташқи, ҳам ички йўлини фаоллашиш жараёнида қатнашишини ҳисобга олсак, у ҳолда препаратларнинг таъсири унинг қон ивишининг иккала йўлига ҳам таъсир қилишига боғлиқ бўлиши мумкин.

МСЭ ни ҚФТВ-тестига таъсири тадқиқ қилинганида, ушбу экстрактнинг 5-100 мг/мл концентрацияларда дозага боғлиқ равишда фибрин лахтасининг ҳосил бўлишини сусайтириб, тромб ҳосил бўлиш вақтини назоратга нисбатан узайтириши аниқланди, бу эса қон ивишининг XII, XI, IX, VIII омилларидан бирининг фаоллигини ингибирланишидан далолат бериши мумкин (5Б-расм). МСЭ қон ивиш жараёнига таъсири бўйича қон ивиши омиллари – протромбин ва проконвертинни жигардаги синтезини издан чиқарадиган билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянт бўлиши мумкин.



5-расм. МСЭ нинг тромбин вақти (А) ва ҚФТВга таъсири (Б).

Ишончилилик кўрсаткичи: *- $p < 0,05$; **- $p < 0,01$ ($n=4-6$).

Ихтисослаштирилган ва клиник-диагностик лабораторияларда қўлланиладиган энг кенг тарқалган тестлардан бири Квик тести бўлиб, у протромбин комплекси омилларининг даражасини аниқлаб беради. Айнан ушбу тест билвосита таъсир қилувчи антикоагулянтлар билан даволашни назорат қилишда ва жигар касалликларини диагностикасида ишлатилади [Козлова, 2001].

МСЭ нинг ПТВга таъсири тадқиқ қилинганида, МСЭ терпенли кумаринлар –невескин ва фешурин билан бирга қон ивиш вақтини дозага боғлиқ ҳолда узайтириши аниқланди. МСЭ таъсирида протромбин вақтини узайишидан келиб чиқиб, V, II ва VII прокоагулянт омилларининг, протромбиназанинг протромбинга айланиши ва кейинчалик фибриннинг ҳосил бўлиши ингибирланади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижалар кўрсатишича, МСЭ рекальцификация, ҚФТВ ва техпластин тестларида плазманинг ивиш

вақтини узайтириб гемостаз системасига сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу натижалар МСЭ нинг антикоагулянт таъсирга эга бўлиб, фибрин лахтасининг ҳосил бўлишини сусайишига олиб келувчи омилларга таъсир кўрсатишидан далолат бериши мумкин.

Буни исботлаш учун биз экстрактнинг томир ичида тромб ҳосил бўлишини чақирадиган таъсирга ҳайвонларнинг толерантлигини оширадиган билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянт сифатидаги самарасини баҳолаш имконини бера оладиган экзоген тромбопластинемиядан модел сифатида фойдаландик.

Ушбу тажрибада олдиндан натрий хлориднинг изотоник эритмаси юборилган фонда тажриба каламушларига томир орқали тромбопластин 40 мг/кг тана массасига дозада юборилганда леталлик даражаси 63,3% ни ташкил қилди. Бунда ҳайвонларнинг асосий қисми 12 соат ичида нобуд бўлди. Олдиндан перорал МСЭ 10 мг/кг дозада юборилган фонда тромбопластин юборилганидан кейин нобуд бўлиш даражаси 30%ни, 25 мг/кг дозада эсаатиги 13,3% ни ташкил қилди. Бунда ҳар иккала гуруҳдаги тажриба ҳайвонларининг нобуд бўлиши сутка давомида кузатилди.

Шундай қилиб, МСЭ лаборатория ҳайвонларига превентив перорал юборилганида тажриба ҳайвонларининг нобуд бўлиш частотаси камаяди.

Мазкур натижалар ЭЗК билан чақирилган гипокоагулемияни тромботик, микроциркулятор бузилишларни ривожланишига олиб келадиган қон томирларни ички қисмида қонни ивиши билан боғлиқ эканлигини инкор қилмайди.

Қон ивиш жараёнларида фаол қатнашадиган хужайралар – тромбоцитларнинг миқдори сезиларли даражада ўзгариши кузатилган.


Тромбоцитларнинг ташқи стимул реакцияси хужайра ҳаракатчанлигини фаоллаштирувчи ва ингибирловчи хужайра ички сигналларига боғлиқ.

Экзоген тромбопластинемияда *in vivo* шароитида моғорланган себарга экстрактининг тромбоцитлар сонига таъсири ўрганилганда тромбопластинни назоратдаги ҳайвонларнинг қорин бўшлиғига юборилганда 30 минутдан сўнг тромбоцитопенияга олиб келиши аниқланган. Бу ҳолат тромбоцитларни 2,6 маротаба камайиши билан изоҳланган. Тажриба гуруҳи ҳайвонларда, олдиндан 10 мг/кг миқдорда МСЭ юборилган бўлиб, тромбоцитларнинг миқдори қисман 25-30 % камайганлиги кузатилган, бир соатдан сўнг интакт гуруҳ кўрсаткичларига яқинлашган. Натижага кўра, назорат гуруҳдаги ҳайвонлар тромбопластинни таъсирига яқин эканлиги ва уларда сезиларли тромбоцитопения ривожланиши аниқланган. Тажриба гуруҳи ҳайвонларида эса мазкур ўзгаришлар физиологик нормалардан четлашмаган.

Шундай қилиб, экзоген тромбопластинемияда МСЭ ни қорин бўшлиғига юборилиши натижасида ҳайвонларнинг аъзоларида юз берадиган деструктив ўзгаришларни чекланиши натижасида уларнинг яшовчанлигини ортиши аниқланди. Бу эса МСЭ нинг тромбопластинемияда гемокоагуляцион силжишларни сусайиши билан ифодаланадиган ҳимояловчи таъсири тромбоцитларнинг функционал фаоллигини ўзгариши ҳисобига амалга ошади, деб тасдиқлаш имконини беради.

МСЭни тромбоцитлар агрегациясига таъсири аниқланганда, тромбоцитлар агрегациясини фаоллашиши МСЭ таъсирида концентрацияга боғлиқ ҳолда (10–100 мг/мл) пасайиши аниқланди. МСЭнинг яққол кўринган сусайтирувчи таъсири адреналинга қараганда АДФ билан чақирилганда кўринди. МСЭ паст концентрацияларда чақирилган агрегациянинг иккинчи фазасини сусайтирди. МСЭнинг юқори концентрациялари АДФ билан чақирилган агрегациянинг иккала фазасини ҳам ингибирлайди (6–расм).

Агар, тромбоцитлар фаоллашувининг асосий бўғини ҳужайра ичидаги деполардан кальций ионларининг мобилизацияланиши эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда МСЭ нинг таъсири ҳужайра ички деполаридан кальций ионлари мобилизациясини ингибирлаши билан боғлиқдир, деб тахмин қилиш мумкин.



6-расм. МСЭ нинг АДФ таъсирида чақирилган тромбоцитлар агрегациясига таъсири. А– МСЭ нинг 10 мг/мл; Б– МСЭ – 100 мг/мл концентрациядаги таъсири.

Шу сабабли, терпенли кумаринлар таъсирида тромбоцитларда ҳужайра ички Ca^{2+} миқдорини ўзгариши аниқланди. Бунда кальцийнинг ҳужайра ички депосидан чиқиши учун стимулятор сифатида АДФ (0,5 мкг/мл)дан фойдаланилди. МСЭ нинг кальций ионларини хелатлаш хоссаси ЭГТА билан солиштирган ҳолда интакт тромбоцитларда амалга оширилди.

МСЭ ва терпенли кумарин бўлган бирикма –фешурин 100 мкМ концентрацияда АДФ индукциясидан 2 мин олдин қўшилганда ҳужайра ичидан Ca^{2+} чиқишини 45–55%га сусайтирди. Ушбу бирикмалар тромбоцитлар цитоплазмасида эркин Ca^{2+} ионлари концентрациясини тезда пасайишига олиб келиши, ва тромбоцитларнинг фаоллашувини блоклаш қобилятига эга бўлиб, унинг исталган фазасида тромб ҳосил бўлиш хавфини камайтира олиши мумкин, деб тахмин қилинди.

МСЭнинг таъсир механизмини ойдинлаштириш учун *in vivo* шароитида экзоген тромбопластинемияда тромб ҳосил бўлиш жараёнига таъсирини

аниқладик. Олинган натижаларнинг таҳлили, МСЭнинг билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтлар қаторига киради, деган хулосага келиш имконини берди, чунки препаратнинг максимал эффекти 24 соатдан сўнг намоён бўлади ва бу курантил препаратининг таъсири сингари тромбопластин таъсирини пасайиши билан боғлиқдир.

МСЭнинг тромболитик фаоллиги *in vivo* шароитида каламушларда чақирилган вена тромбози моделида Варфарин препарати ва стрептокиназа – бевосита, фибринолитик таъсирига солиштирган ҳолда ўрганилганда, қорин пастки ковак венасини қисман стенозлаб, 10% ли темир хлорид билан 5 минут давомида аппликация қилинганидан кейин 60 минут ўтгач, каламушларда қон кетиш вақти 2 мартага, қон йўқотиш кўрсаткичи эса 3 мартага камайганлиги аниқланди (жадв.). Бунда ПВ интакт кўрсаткичлардан фарқ қилмади, ҚФТВ кўрсаткичи 65,3±5,7 секундгача узайганлиги аниқланди, фибриноген миқдори эса 2 мартага ортиши кузатилди. Нам ҳолатдаги тромб оғирлиги 78,5±6,6 мг, қуруқ ҳолатдаги тромб оғирлиги эса 40,0±3,4 мг ни ташкил қилди.

жадвал

МСЭ нинг *in vivo* шароитида каламушларда чақирилган вена тромбози моделига тромболитик таъсири ($M \pm m$, $n=6$)

Тестлар	Препаратлар				
	Интакт	Назорат	Стрептокиназа 1600 МЕ/кг	Варфарин 10 мг/кг	МСЭ 50 мг/кг
Қон кетиш вақти (мин)	6±0,4		3,2±0,2	8,3±0,4	9,8±0,4
Қон йўқотиш миқдори (г)	0,57±0,0 2		0,048±0,004	0,1±0,06	0,028±0,00 2
ПТВ (сек)	18±4,7	65,3±5,7	54,0±4,7	76±4,7	85±4,7
ҚФТВ (сек)	20,6±0,2 6	20,8±2	33,1±0,26	28±0,14	37,4±0,26
Фибриноген (г/л)	215±16	512±46	207±16	452,8±36	496±16
Нам тромб оғирлиги (мг)		78,5±6,6	16,3±1	24,8±1	20±1
Қуруқ тромб оғирлиги (мг)		40±3,4	5,3±0,4	8,8±0,4	6,7±0,2

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, таъсири бўйича МСЭ ни билвосита антикоагулянт ҳисобланган варфарин препаратига тенглаштирса бўлади, ва унинг таъсири фибринолитик модда ҳисобланган стрептокиназа таъсиридан бировгина камроқдир.

Диссертациянинг «МСЭ ни синергистлар билан комбинациясидаги таъсирини аниқлаш ва МСЭ ва синергист асосида хўрак тайёрлаш ва уларни синовдан ўтказиш» деб номланган тўртинчи қисмда МСЭ ни синергистлар билан комбинациясида қон ивиш системаси, ҳамда уларнинг токсик таъсири синантроп кемирувчиларда аниқланди.

Ушбу тадқиқотларда объект сифатида антикоагулянт фаолликка эга бўлган потенциал синергистлар- натрий цитрати, ацетилсалицил кислотаси, БД-31 ва сульфатланган целлюлоза хизмат қилди.

Аниқланган синергистлар орасида энг самаралиси фосфорорганик бирикмалар гуруҳига киритилган БД-31 (0,0–диалкилтиофосфат) бўлиб, у

Биоорганик кимё институти «Биологик фаол қуйи молекуляр моддалар» лабораториясида синтезланган. Мазкур модданинг *in vivo* шароитида гемостаз тизимига минимал концентрацияда (5 мг/кг) самарали таъсир кўрсатиши ва МСЭ нинг антикоагулянт ҳамда захарли таъсирини кучайтириши, сичқонларнинг ўлимига олиб келиши аниқланди.

Каламуш қони плазмасида *in vitro* шароитида олиб борилган қиёсий тадқиқотларда ўрганилган моддалар –БД-31 ва МСЭнинг тромбин вақти тестида турли хил даражада антикоагулянт фаолликни намоён қилиши аниқланди.

Токсикологик тадқиқотларда интоксикациянинг умумий юзага чиқишида аъзо ва тўқималарнинг қон билан таъминланишини оммавий бузилиш белгилари (терининг шиллиқ қаватида қон қуйилиши, қон кетиши) сезиларли ўринни эгаллаши аниқланди.

Олинган натижалар зарақунанда кемирувчиларга қарши курашишда моғорлаган себарга экстракти ва БД-31 синергисти асосида родентицидларни ишлаб чиқариш технологияси учун асос сифатида хизмат қилади.

Тайёр хўрақларнинг родентицид хоссалари дастлаб лаборатория шароитида, кейин эса дон сақлаш омборлари биноларида аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, лаборатория ҳайвонларида моғорлаган себаргадан ажратиб олинган экстракт синергистлар билан комплекс ҳолда билвосита таъсирга эга антикоагулянт сифатида таъсир кўрсатиши ва кумулятив таъсирга эгаллиги, зарақунанда кемирувчилар учун танлаб таъсир қилиши ва захарлилик даражасининг пастлиги, ўз навбатида инсон ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун хавфи сезиларсиз даражадалиги аниқланди.

Ушбу хўрақ препаратнинг навбатдаги синовлари серияси «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Сайра дон маҳсулотлари» ОАЖ дон омборларида амалга оширилди. Синов натижалари антикоагулянтлар (МСЭ ва БД-31 синергистлари) қўшилган хўрақ каламуш ва сичқонлар учун родентицид фаолликка эга эканлиги: сутка давомида хўрақнинг умумий микдоридан 36% истеъмол қилинганлигини кўрсатди. Каламуш ва сичқонлар 6-9 кунга келиб нобуд бўлиши қайд қилинди.

Тадқиқот натижалари билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтлар асосида зарақунанда кемирувчиларни энг кам марта озиклантирганда энг юқори самарадорликка эга бўлган хўрақ рецептураларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ушбу хўрақ препаратлардан ветеринария ва санитария-эпидемиология хизматларида хавфсиз родентицидлар сифатида, чорвачилик фермалари ва дон сақлаш омборларини синантроп кемирувчилардан химоя қилишда фойдаланиш мумкин.

Родентицид хўрақ препаратини маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш имконияти ва уни ички бозорда, келгусида эса ташқи бозорда ҳам сотишдан келадиган иқтисодий самара кутилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий себарга (*Trifolium pratense* L) хомашёсидан ажратиб олинган экстракт сичқон ва каламушларда киритилган дозасига (50–100 мг/кг) боғлиқ кумарин таъсирига ўхшаш, тромбогеморрагик синдром типдаги интоксикация белгиларини намоён қилади.

2. Юқори самарали суюқлик хроматографияси, флуоресценция ва УБ–спектрал таҳлил услублари ҳамда микробиологик тадқиқотлар ёрдамида себаргадан ажратиб олинган экстракт таркибида дикумаринлар мавжудлиги исботланди.

3. Кумаринлар – фешурин, невескин, бодиун, самаркандин ва сесквитерпенлар аралашмаси структурасининг изошаклларига боғлиқ ҳолда қон ивишининг ички ва шунингдек, ташқи йўли омилларига таъсир кўрсатади.

4. Себаргадан ажратиб олинган экстракт, терпеноид кумаринлар – невескин ва фешурин сингари қон ивишининг ташқи механизмини фаоллаштирувчи омилларини ингибирлаб, антикоагулянт таъсирни намоён қилади ва заҳарлилиги бўйича кам заҳарли бирикмаларнинг IV синфига киради.

5. Тромбопластинемия моделлаштирилган *in vivo* шароитида себаргадан ажратиб олинган экстракт ва терпеноид кумаринлар –невескин ва фешурин қон томирларида тромб ҳосил бўлишини чақирувчи тромбопластиннинг таъсирига чидамлилиқ даражасини билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянтларнинг таъсири каби ошириши аниқланди.

6. Себаргадан ажратиб олинган экстракт билвосита таъсир кўрсатувчи антикоагулянт хоссасига эга бўлиб, келгусида ҳавфсиз родентицид сифатида қўллаш тавсия этилди.

7. Себарга экстрактининг синергистлар билан комплекси кемирувчиларга специфик таъсир қилиши, заҳарлилиқ даражаси камлиги, одам ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун паст даражада ҳавфли ҳисобланиши исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.12.2018.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

РАИМОВА ГУЛИ МАДМУРОДОВНА

**ФИЗИКО–ХИМИЧЕСКИЕ И АНТИКОАГУЛЯНТНЫЕ СВОЙСТВА
ЭКСТРАКТА, ВЫДЕЛЕННОГО ИЗ *TRIFOLIUM PRATENSE L.*
(КЛЕВЕР ЛУГОВОЙ) И ПРИМЕНЕНИЕ ЕГО В КАЧЕСТВЕ
РОДЕНТИЦИДА**

03.00.02 – Биофизика и радиобиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.4.PhD/B99

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ibb-nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель

Насиров Кабил Эркинович
доктор биологических наук

Официальные оппоненты

Мерзляк Петр Григорьевич
доктор биологических наук

Левицкая Юлия Владимировна
кандидат биологических наук

Ведущая организация

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.12.2018.V.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, дом-174.тел. 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под №___). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская дом-174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2019 года).

Сабиров Равшан Заирович
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Асраров Музаффар Исламович
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Ахмеджанов Искандар Гулямович
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире проблема борьбы с грызунами–вредителями и причиняемого ими вреда пищевым продуктам, хранящимся, в складах наносят огромный экономический ущерб. В частности, грызуны-вредители являются переносчиками возбудителей инфекционных и инвазионных заболеваний, опасных для человека и животных. В связи с этим, в целях защиты животноводческих ферм и зернохранилищ от грызунов, имеет важное значение, создание новых и эффективных родентицидных препаратов.

В настоящее время в мире особое предпочтение при борьбе с грызунами-вредителями отдается безопасному химическому способу, среди которых распространение получили родентициды, содержащие антикоагулянты непрямого действия. Эти родентициды по сравнению с другими химическими соединениями обладают рядом преимуществ такими как: избирательная невысокая степень токсичности для грызунов, отсутствие условно-оборонительной реакции, наличие антидота, незначительная степень опасности для человека и сельскохозяйственных животных. Несмотря на то, что ранее проводились различные химические методы и способы борьбы с грызунами-вредителями, их численность не уменьшается, а более того, они за несколько поколений вырабатывают иммунитет к ядам, что приводит к тому, что многие родентициды, применяющиеся в борьбе с грызунами, утрачивают свою эффективность. Учитывая вышеизложенное, разработка и внедрение в практику все более эффективных родентицидных препаратов, которые являются безопасными для человека и сельскохозяйственных животных имеет актуальную значимость.

В настоящее время в Республике проводятся исследования, направленные на поиск и внедрение в практику новых родентицидов, выделенные и синтезированные на основе местного сырья, определение их физико-химических и токсикологических свойств для борьбы с синантропными грызунами. Внедрение комплексных мер послужат ориентиром для дальнейшего расширения третьего направления Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан¹ «хранение сельскохозяйственной продукции, транспортировка и продажа, агрохимия, финансовые и другие современные рыночные услуги...». В связи с этим разработка родентицидного препарата на основе местного сырья имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 1 июня 2017 года «О мерах по организации деятельности Государственного комитета ветеринарии

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947

Республики Узбекистан» № ПП-3026 и в Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 июля 2018 года № 564 «О мерах по дальнейшему развитию производства ветеринарных лекарственных средств» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мире изучение химии кумаринов проводилось во многих научно-исследовательских центрах. В частности, Kasperkiwicz и другие, (2016) ¹ исследованы спазмолитические, коронарорасширяющее, антикоагулянтное и др. свойства кумаринов.

